

2022 й. "1" 7

2022-231-11-153-МТ-

сон

Бешарик тумани.

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Бешарик тумани мактабгача таълим бўлими номидан раҳбар Ш.Бараталиева (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) биринчи томондан ва ўз Низоми асосида иш юритувчи «Бешарик беш юлдузи» х/к (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталади) номидан раҳбар К.Шомуродов иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидаги ишларни бажариш учун туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига асосан: Бешарик тумани Қорақўйли қишлоғида жойлашган 39-МТТ биносини жорий таъмирлаш ишларини лойиха-смета ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни белгиланган тартибда қабул қилиб олиб, тўловларни амалга оширади.

2. ШАРТНОМА БАХОСИ.

2.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган таъмирлаш ишлари қиймати лойиха-смета ҳужжатларига асосан барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жами 97 708 377 (туксон етти миллион етти юз саккиз минг уч юз етмиш етти) КҚС сиз сўмини ташкил этади

2.2. Зарурий асослар мавжуд бўлганда «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг келишувига асосан мазкур шартномага қушимча битим расмийлаштирилиши мумкин.

3. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Пудратчи» томонидан таъмирлаш ишлари тулиқ бажарилгандан сўнг, ўзаро солиштирув далолатномаларига асосан, бажарилган ишлари қиймати учун «Буюртмачи» пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади.

3.2. «Буюртмачи» олдиндан шартнома умумий суммасини 30 % миқдоридан аванс тўловини «Пудратчи» ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Кейинги ҳисоб-китоблар ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмига қараб, аванс маблағларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

4. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

4.1. «Буюртмачи» томонидан олдиндан тулов амалга оширилган кундан бошлаб 5 кун муддат ичида «Пудратчи» томонидан таъмирлаш ишлари бошланиши шарт. Бажарилиши лозим бўлган ишлар шартнома имзолангандан сўнг 10 иш кунига кадар тўлиқ яқунланиши керак.

4.2. «Пудратчи» бажариладиган ишларни амалдаги қурилиш қоидалари ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлишини ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

4.3. «Пудратчи» ишларнинг бажарилишини техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ва ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширади.

5. ТОМОНЛАРНИ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. «Пудратчи» мазкур шартномада назарда тутилган таъмирлаш ишларини тулиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини олади.

5.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишлари жараёнида бажарилаётган ишларни лойиха-смета ҳужжатларига мослигини ва сифатини назорат қилиб боради.

5.3. «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиб берилади ва бажарилган ишлар бўйича тузилган Шакл-2 далолатномаларини қабул қилиб олади.

5.4. Бажарилган ишларда камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, «Буюртмачи» томонидан далолатнома расмийлаштирилади ва 10 кун муддатда «Пудратчи»га хабар юборилади. «Пудратчи» томонидан ушбу аниқланган камчилик ва нуқсонлар ўз маблағи ва ўз кучи билан 10 кун давомида бартараф этилади.

6. ЖАРИМАЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.

6.1. Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди.

6.2. Агар «Пудратчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган таъмирлаш белгиланган муддатларида бошланмаса ва яқунланмаса, «Пудратчи» бажарилмаган ишлар қийматини 0.5% миқдоридан ҳар бир муддати ўтган кун учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматини 50% дан ошмаслиги керак.

6.3. «Пудратчи» томонидан таъмирлаш ишлари белгиланган муддатларда яқунлангандан кейин «Буюртмачи» томонидан тўловлар ўз муддатида амалга оширилмаса тўланмаган суммани 0.4% миқдоридан ҳар бир муддати ўтган кун учун «Пудратчи»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси ўтказиб берилмаган маблағлар суммасини 50% дан ошмаслиги керак.

6.4. Жарималар тўланиши «Пудратчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

7.1. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари, уруш, оммавий тартибсизликлар ва бошқа енгиб бўлмас куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

8.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаса ҳўжалик суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда ҳал қилинади.

8.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

8.3. Ушбу шартнома жорий молия йили доирасида амал қилади. Шартнома икки томонлама имзоланиб, ғазначилик бошқармаси (бўлим)дан рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

9. ТОМОНЛАРНИ ХУКУКИЙ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Пудратчи»

« Бешариқ беш юлдузи » х/к
(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)
Манзил: Бешариқ тумани
Тел./факс +99899 642-90-20
(х/в ёки шҒХ) 20208000600794777001

«Буюртмачи»

Бешариқ тумани мактабгача таълим бўлими
(буюртмачи номи)
Манзил: Бешариқ тумани Сирдарё кучаси № 12
Тел./факс ___ 61-21-627___
шҒХ* 100022860302157091100251001

Банк номи «Универсалбанк»Қўқон филиали
СТИР: 304997576
ИФУТ _____

Ташкилотнинг СТИРи 305153351
ОКОНХ ___ 97200 ___

Ғазначилик бўлинмасининг номи:
Бешариқ туман буйича Ғазначилик булинмаси
ЯҒХ 23 402 000 300 100 001 010
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази
(ХККМ)
МҒО:00014
Ғазначилик бўлинмасининг СТИРи: 201122919

Раҳбар _____ К.Шомуродов
(лавозими) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)
М.Ў.

раҳбари _____ Ш.Бараталиева
(лавозими) _____ (Ф.И.О.)
М.Ў.





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
BESHARIQ TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

150300, Beshariq tumani, Oltin Vodiy ko'chasi, 46-uy, tel.: (998 73) 612 21 19,
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: beshariq.t-yurmarkaz@adliya.uz

01.07.2022 yil

**Beshariq tuman
maktabgacha ta'lim bo'limi**

XULOSA

(maktabgacha ta'lim bo'limining
shartnoma loyihasiga)

1.Loyihaning turi: Shartnoma.

2.Loyhaning nomi: Joiry ta'mirlash ishlarini bajarish bo'yicha.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:
Beshariq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022 yil 01 iyul kuni ishlab chiqilib, shu kuni markazga taqdim qilingan.

4. Loyiha bo'yicha: Beshariq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi hamda «**BESHARIQ BESH YULDIZI**» XK o'rtasida joriy ta'mirlash ishlarini bajarish bo'yicha shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiqligi o'rganib chiqildi.

Beshariq tuman maktabgacha ta'lim bo'limiga qarashli tuman 39-sonli MTT binosini joriy ta'mirlash xizmati (smeta ekspertiza xulosasiga asosan e'longa joylashtirilgan) O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari tugrisida"gi 684-sonli Qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2018 yil 26 mayda №3016-son bilan ro'yhatdan o'tkazilgan "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risida"gi nizom va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 02-iyuldagi PQ-5171-sonli "Davlat xaridlari shaffofligini ta'minlash va samaradorligini oshirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'grisidagi qarori" ijrosini ta'minlash maqsadida Respublika tovar hom-ashyo birjasining xarid.uz saytidagi maktabgacha ta'lim bo'limining shaxsiy kabineti orqali 103076-lot raqami bilan 2022 yil 23 iyun kuni e'lon joylashtirilgan.

Shartnoma loyihasiga Beshariq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi 2022 yil 23 iyun kungi 2022 yilda ajratilgan mablag'lardan oqilona va samarali foydalanish hamda tovarlar, ish, xizmatlarni bajarish maqsadidagi tanlov komissiyasining yigilish bayo'ni, 103076-lot raqamli e'lon bo'yicha takliflar va bajaruvchining soliqdan qarzdorligi yo'qligi to'g'risidagi ma'lumotnoma ilova qilingan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

XULOSA

Beshariq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan taqdim etilgan «BESHARIQ BESH YULDIZI» XK o'rtasida tuman MTB qarashli 39-sonli DMTTlarni joriy ta'mirlash xizmati bo'yicha shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiq hisoblanadi.

**Beshariq tuman YuXKM
bosh yuriskonsulti**



A.Farmonov



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Бешариқ тумани мактабгача
таълими
бўлими мудирини (комиссия раиси)
 Ш.Бараталиева

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори ва Давлат харидлари тўғрисидаги қонуннинг 62-моддасининг 7-хатбошисига кўра Бешариқ тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 39-сонли МТТ биносини жорий таъмирлаш (лот №22110012103076) бўйича танлов комиссиясининг муҳокама натижалари юзасидан

51-СОНЛИ МАЖЛИС БАЁНИ

2022 йил “ 1 ” июл соат 09:00

Бешариқ шаҳри

Танлов комиссияси иштирокчилари:

Ш.Бараталиева

- Бўлим мудирини, комиссия раиси;

М.Ботиралиев

- марказлашган молия-бухгалтерия хизмати бош ҳисобчиси, танлов комиссияси аъзоси;

Ф.Қўлдошев

- махсус таъмирлаш-эксплуатация хизмати бошлиғи, танлов комиссияси аъзоси;

Б.Ахмедов

- кадрлар бўйича инспектор, танлов комиссияси аъзоси;

А.Туранов

- махсус таъмирлаш-эксплуатация хизмати таъминотчиси, танлов комиссияси аъзоси;

Йиғилиш кун тартибидаги кўриладиган масала;

2022-йилда etender.uzex.uz лот №22110012103076 рақами билан Бешариқ тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 39-сонли МТТ биносини жорий таъмирлаш учун 10.06.2022 йилдан 17.06.2022 йилгача бўлган вақтда порталга жойлаштирилган. Танловда 2 (икки) нафар иштирокчи қатнашди булар 1.Риштон РСУ-125 х/к 2. Бешариқ беш юлдузи х/к

Танлов 08.06.2022 йил куни танлов комиссияси азолари томонидан Бешарик беш юлдузи х/к ғолиб деб топилди ва 20.06.2022 йил соат 13:46 да электрон баённома расмийлаштирилди ва шу пайтнинг ўзида 2 иш кунига муҳокамага жойлаштирилди. Шу 2 иш куни давомида ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади ва махсус комиссия қарори билан Бешарик беш юлдузи х/к билан шартнома тузишга қарор қилинди.

М.Ботиралиев _____

Ф.Қўлдошев _____

А.Туранов _____

Б.Ахмедов _____